



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Камалов Акмал Саидакбарович

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЛЛАШУВИ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви жараёнлари таҳлилларикелтирилган бўлиб, мамлакатимизнинг транспорт-логистик ва транзит салоҳиятини ошириш йўлида амалга оширилиши талаб этилаётган Халқаро ташкилотларга аъзолиги муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: Транспорт-транзит салоҳияти, интеграллашув, таранспорт инфратузилмаси, иқтисодиёт, стратегия.

Ўзбекистон МДХни амалий шерикликни чуқурлаштириш ва кўп томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, турли соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт-логистик ва транзит салоҳиятини ошириш, худудий хавфсизликни ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш бўйича самарли майдон сифатида қарайди. Унинг оламшумул аҳамиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон МДХни 2030 йилгача бўлган ривожланиш янги Концепцияси ва иқтисодий ривожланишининг Стратегиясини қабул қилишни тезлаштиришни таклиф қилди [1].

МДХ мамлакатлари майдонида кўп томонлама эркин савдо зоналари доирасида савдо преференцияларини бериш, Катта Евросиёга янги мамлакатларнинг кириши у ёки бу интеграцион форматларга қўшилиш хисобига янги имкониятларни тақдим этади, глобал бозорларга киришга ва таранспорт инфратузилмасидан фойдаланишга



имкониятларни кенгайтиради. Бу иқтисодий ҳамкорлик жараёнларининг самарадорлигини оширади.

Умуман олганда Евросиё кенглигида турли даражадаги ва турли тезликдаги интеграция сиёсати ўзининг ишлаш мумкин бўлган конструкция ва истиқболли эканлигини исботлади. Бу давлатларнинг талабларига мос келади ва иттифоқ келажакда ҳам сақланиб қолади.

Хозирги кунда ЕОИга кириши масаласи қатор тахминлар ва турли даражадаги мукамал муҳокамалардан сўнг, Ўзбекистон кузатувчи сифатида ушбу Иттифоқга кирди. Бу Ўзбекистоннинг 2017 йилдан сўнг ташқи иқтисодий фаолияти стратегиясида жиддий ўзгаришлар бўлганлиги туфайли мумкин бўлди. Олдинлари Ўзбекистон ҳеч қандай бирлашмаларга қўшилмаслик мантиғини амалга ошириб, ички бозорни таъминлашга йўналтирган ички ишлаб чиқаришни қўллаб-қуватлашга асосий эътиборни қаратган. Ушбу модель маълум даражадаги изоляциялашувни ушлаб туришга, глобал конъюктурага, сиёсий кайфиятлар ва савдо шерикларидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлмасликни кўзда тутган. Ўз навбатида ушбу стратегия объектив равишда ривожланишни чегаралаб турган эди. Ўзбекистоннинг ички бозори сезиларли хажмга эга бўлсада, табиий равишда маълум даражада чегараланган, шунинг учун истиқболда ўсиш салоҳиятини чегаралаб қўйган. Ўз-ўзидан аёнки, экспортни қўллаб-қуватламасдан ва янги савдо бозорларига чиқмасдан иқтисодиётни бир маромда ривожлантиришга эришиб бўлмайди. Ушбу шароитларни этиборга олиб мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев ташқи сиёсий ва иқтисодий стратегияни қайта кўриб чиқди [2].

2016 йилдан бошлаб, мамлакат ташқи сиёсий изоляцияланиш ва геосиёсий **дихотомиядан** воз кечди. Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ўзаро ҳамкорликка бўлган талаби жуда кучли. Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида музокаралар олиб борилмоқда.

Ўзаро қулай савдони ва ташқи савдо режимини юмшатиш мақсадида Европа иттифоқи билан кенгайтирилган шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон очиқ ташқи иқтисодий сиёсатда **прагматик**, чуқур ўйланган фаолиятни мамлакатнинг миллий манфаатларига мос келадиган кенг қамровли ишларни амалга ошириб, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан шерикчилик муносабатларни ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятида Марказий Осиё худудига алоҳида эътибор бермоқда. 2019 йилнинг ноябрь ойида худуд давлатлари раҳбарларининг иккинчи норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Марказий Осиё худудига тинчликни ва стабилликни сақлаш, худудий хавфсизликни таъминлашнинг таянч масалаларини, шу жумладан Афғонистондаги ҳолатни тартибга солиш борасидаги роли юқорилиги намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг йўлланмасида: “Биз Марказий Осиёда барча соҳаларда бундан кейин дўстлик муносабатларини ва стратегик шерикликни мустахкамлаш лозим бўлади” деб таъкидлади.

Шу билан бирга, савдо соҳасидаги, шу жумладан эркин халқаро савдо соҳасидаги мавжуд бошқа форматларнинг истиқболлари ҳам эътибор билан ўрганилмоқда. Устувор стратегик вазифалардан бири – бу Ўзбекистоннинг товарлари ва хизматларини ташқи бозорларга чиқаришдан иборатдир.



Мамлакатда бизнес муҳитини яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитларни яратиш ва экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожлантириш учун кескин чоралар кўрилмоқда. Натижада, агарда 2015 йилда экспортнинг ҳажми 12,5 млрд доллар бўлган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 19,0 млрд долларга етди.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари билан дўстлик алоқаларини ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда. 2019 йилнинг 11 октябрида МДХ мамлакатларининг Ашхободда бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистоннинг Ҳамдўстликга раислик қилишининг 2020 йилда бош устуворликларини баён этиб республика учун устувор аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб: “Биз иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда Ҳамдўстлик ташкилотига қабул қилинган қарорларнинг натижавийлигини ошириш ва учрашув қатнашчилари давлатлари орасида гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга соламыз” деди Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикасининг кейинги бир неча йил ичида иқтисодий сиёсатда ва жамият ривожланишининг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган либерал ислохотларнинг ижобий натижаларини Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби, Россия фанлар академияси бозор муаммолари институтининг бош илмий ходими, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси мухбир аъзоси, таниқли иқтисодчи Наби Саидқаримович Зиядуллаев таҳлил қилиб, янги Ўзбекистонни юксалтириш бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдирди.¹

Хусусан, дунёдаги энг обрўйли британия журнали журнали – “Economist” Ўзбекистонни йил мамлақати, 2017 йилдан бошлаб жуда тез суратлар билан модернизациялашни амалга ошираётган мамлакат деб тан олди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг ривожланиш тарихида муҳим босқични босиб ўтмоқда. Сиёсий тизим жиддий ўзгармоқда, **прагматизм** сиёсати мамлакат манфаатларини эътиборга олиб замонавий реалликдан ва республиканинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалари бўйича устуворликлар аниқланмоқда. Миллий устуворликларга мувофиқ мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларини диверсификациялашни давом эттириб, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича ўз стратегиясини аниқлаб олди [3].

Ҳозирги кунда товарларни энг аввало қўшни мамлакатларга ва сўнгра узоқ хориж мамлакатларига экспорт қилиш учун шарт-шароитларни яхшилашга имконият яратилмоқда. Демак ЕОИга тўлиқ форматда қўшилиш вақтни талаб этади. 2016-2019 йилларда Ўзбекистоннинг ЕОХ мамлакатлари билан савдо айланмаси икки томонлама тузилган шартномаларга мувофиқ деярлик 60 фоизга ошиб, 10 млрд АҚШ доллорига етди, ёки мамлакат ташқи савдо айланмасининг 30 фоизини ташкил қилди. Ушбу ҳолат Ўзбекистоннинг ЕОИ билан ҳамкорликни кучайтиришга эътибори кучлилигидан далолат беради.

Ўзбекистонни ЕОИга киришига қарши бўлганларнинг позициясига мувофиқ: Ўзбекистон олдин халқаро савдо лигасига қўшилиши керак, сўнг ЕОИга қўшилиши керак. Ушбу аргумент АҚШ савдо вазири Уилбур Росснинг таҳдид шаклида чиқиш қилиб, агар Ўзбекистон ЕОИга кирса, унинг бутун жаҳон савдо ташкилотига (ВТО) кириши хавф остида қолади деб таъкидлади. Ундан ташқари АҚШ давлат секретари 2020 йилнинг феврал ойида қатор МДХ мамлакатларига қилган сафарига, Москвага

¹. (www.president.uz.)



яқин бўлган ҳамкор мамлакатлар билан АҚШ стратегик ҳамкорликни ўрнатмоқчи, савдони ва тўғридан - тўғри инвестицияларни ошириш мумкинлигини таъкидлаб, Россия чегаралари яқинида альтернатив хавфсизлик тизимларини яратади, Марказий Осиё мамлакатлари билан янги Стратегияни амалга оширади деб таъкидлади.

Албатта, Ўзбекистон ўзининг 34 млн аҳолиси ва Евроосиё харитасида стратегик ўрни билан ЕОИга қўшилиши, ЕОИни 200 млн аҳолиси, бирлашган бозори билан янада кучайтирган бўлар эди. Шу билан бирга бундай интеграция ҳар икки томон учун жиддий ҳаракатлар ва трансформацияни талаб этади ва ЕОИ учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам жиддий тест бўлади.

Шунинг учун ЕОИ ва Ўзбекистоннинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш масаласи жиддий ва махсус тадқиқотларни ҳамда ақлга сиғадигон компромиссларни талаб этади. Ўзбекистоннинг бу масалага ёндашувини тушунишда унинг сиёсат конъюктурасидан холи бўлган, прагматик асосда иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишни мақсад қилиб қўйганлигини инобатга олиш керак бўлади.

Агарда “рақамли кооперация” ўз ривожланишини топмаса интеграцион институтларни ташкил қилиш ва интеграллашган иқтисодиётни шакллантириш орасидаги лаг (оралиқ) жуда катта бўлиши мумкин. Сўз савдо кооперацияси, технологиялар трансферти, транспорт коридорлари, товарларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчиларгача етиб келишини кузатиш, шунингдек таълим соҳасидаги маданият ва туризм соҳасидаги интернет ресурсларидан иборат. Рақамли иқтисодиёт ЕОИда иқтисодий ва ижтимоий муҳитнинг ягона қўшма стратегия ва лойиҳалар мавжудлигида самара бериши мумкин. Акс ҳолда, автоном рақамли сиёсат устун бўлганда умумий бозорни шакллантиришда тўсиқлар юзага келиши мумкин.

Шунинг учун Евроосиёда интеграцион жараёнларни шакллантириш миллий иқтисодиётни модернизациялаш, янги товарлар ва технологияларни ЕОИ иштирокчилари орасида ва ундан ташқарида илгари сурадиган институтларни яратишни тақозо этади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Евросиё Иттифоқига (ЕОИ) кириши масаласи ҳозирги кунда энг кўп муҳокама этиладиган масалалар сирасига киради. Чунки ҳозирги кунгача ушбу муаммонинг ечимлари, ижобий ва салбий жиҳатлари борасида маълум бир таҳлилий материаллар мавжуд бўлсада тизимли тадқиқотлар ва аналитик ҳисоб-китоблар асосида тизимли хулосалар мавжуд эмас. Шу туфайли ҳозирча ахборот воситаларида мавжуд материаллардан фойдаланиш билан чегараланамиз.

Ўзбекистон Республикаси қуйи палатасининг инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари қўмитаси раисининг муовуни Эркин Холбўтаевнинг фикрича ЕОИга қўшилиш транзит юклар ҳажмини 10 баробарга оширишга имкон яратиши мумкин. Унинг фикрича 2018 йилда Ўзбекистоннинг ЕОИ мамлакатлари билан транспорт соҳасидаги ҳамкорлиги юқори даражага эга бўлди. Масалан, ЕОИ мамлакатларининг темир йўл транспортида экспорт, импорт ва транзит юкларни ташишлардаги улуши умумий юк ҳажмидан мос равишда 67, 71 ва 78 фоизни ташкил қилди.

Депутатнинг таъкидлашича, мамлакат транспорт тизимини такомиллаштириш бўйича қатор мувоффақиятларга эришилаётганига қарамасдан, бу соҳада муҳим муаммолар мавжудки, улар соҳанинг умумий самарадорлигини пасайишига олиб келиши



мумкин. Агарда ушбу муаммолар ечилмаса, иқтисодиётнинг ва аҳолининг ўсиб бораётган талабларини ўсишини таъминлай олиш имконияти бўлмади [4].

Бунда, истиқболда ривожланиш йўллари кидириш, нафақат ривожланишнинг нги вариантларини топишга, балки табиий тарзда мавжуд ресурслар ва имкониятлар асосида ривожланиш самарадорлигини оширишга олиб келади. Шу нуқтаи-назардан, ЕОИ транспорт салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари алоҳида эътиборни талаб қилади.

ЕОИ транспорт магистралларидан энг фаол фойдаланаётган мамлакат бу Қозоғистон ҳисобланади, ушбу мамлакат орқали “шимол” йўналишида Ўзбекистоннинг 90 фоиздан кўпроқ экспорт юклари ўтади. Темир йўл транспортининг транзитида Ўзбекистон юк оқимлари 2018 йилда 17 млн. тоннани ташкил қилди.

ЕОИ мамлакатлари билан транспорт соҳасидаги фаол ҳамкорлик мамлакатимизнинг транспорт салоҳиятини оширишга имконият яратади. Ўзбекистон ўз ҳудуди орқали ЕОИ мамлакатларининг юкларини ташишдан манфаатдор, чунки ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси автомобил маршрутлари бўйича ЕОИ мамлакатларининг фақат 648 минг тонна юклари ташилган ҳолос.

Ўзбекистон инфратузилмаси учун ЕОИнинг ривожланган транспорт-коммуникациясидан фойдаланиш катта самараларга олиб келиши мумкин, чунки, у Европа ва Осиё орасида энг қисқа маршрутларни тақдим қилиши мумкин, Яқин ва Ўрта- Шарқ, Хитой, Россия ва Европа бозорлари ва денгиз портларига чиқишга имкон беради. Бундан ташқари, ҳамкорлар билан биргаликда интеграция асосида муҳим трансхудудда халқаро транспорт коридорларига чиқиш учун ички транспорт коммуникацион инфратузилмани ривожлантиришга имкон туғилади.

Қайд этиш жоизки, умуман ЕОИ кенглигида (майдонида) ички ва ташқи бозорларга киришда автомобиль транспорти воситаларини ва халқаро транзит ташувлари учун рухсатномалар олиш тизими бекор қилинганлиги тўғрисида, ЕОИ мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилувчи мамлакатлар учун иқтисодий маконга кириш самарали бўлади.

Экспертларнинг баҳолашларига мувофиқ, Ўзбекистоннинг ЕОИ тўлиқ интеграция асосидаги иштироки мамлакатимиз юкларини ташиш харажатларини 30фоизга қисқартиришнинг, яъни транзит оқимларини жалб қилишга ва унинг натижасида юкларни ташиш ҳажмини ҳозирги 20млн тоннадан 10-12млн тоннага етказиш имконияти туғилади [5].

ЕОИ рамкасида ҳамкорликни ривожлантириш учун иттифоқга кирувчи мамлакатлар ўзларининг транспорт билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечиш борасида тизимли ишларни амалга оширмақдалар. Хусусан Қозоғистон Республикаси Россия Федерацияси билан чегарадош бўлган назорат-ўтказиш пунктлари (НЎП) бўйича масалага аниқлик киритди. Чунки товар айланмасини ошиши ва транзит ҳажми ошиши НЎПни модеренизациялашни талаб этадиган даражада долзалблик касб этади. 2025 йилгача Қозоғистон Республикасининг 27та автомобилтль НЎП модеренизациялаш кўзда тутилган. Қайд этиш жоизки, Россия ва Қозоғистон чегарасида умуман 51 та НЎП мавжуд бўлиб, шундан 30таси автомобиль, 20таси темир йўл ва 1 таси дарё назорат пункти ҳисобланади, уларнинг 87 фоизи реконструкциялашни талаб этади.



Нур-Султан ва Москва чегарада инфратузилмани ривожлантиришга муҳим эътибор қаратишмоқда. 2019 йилда XVI худудлараро ҳамкорлик форуми доирасида Омск шаҳрида Қозоғистон ва Россия орасида кўшма ҳамкорлик тўғрисида Дастурга имзо чекилиб, унга кўра 40та авто ва темир йўл чегара пунктлари НЎП модернизациялаш амалга оширилади.

Ҳозирги кунда икки мамлакатда НЎП нинг ўтказиш қобилиятини ошириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Қозоғистон Республикаси миллий хавфсизлиги раиси ўринбосари ва чегара хизматлари директори Даръхан Далмановнинг сўзларига кўра асосий оқим “Таскала” “Сырым”-Ғарбий Қозоғистон вилоятида ва Кустанай вилоятидаги “Кайрак” НЎПга тўғри келади, демак ушбу НЎПнинг ўтказиш қобилиятига асосий эътибор қаратилади.

НЎП муаммоси, денгизга тўғридан-тўғри чиқишга имконияти бўлмаган Қозоғистон учун ўта долъзарб ҳисобланади. Шунинг учун 2020 йилда Қирғизистон билан чегарадош бўлган “Кордой” НЎПда реконструкция ишлари тугалланади. Модернизациядан сўнг унинг ўтказиш қобилияти одамлар учун 10мингдан 50мингача кўпаяди. “Карасу” НЎП хар йили 850 минг одам ва 400 минг автомобильни ўтказди, реконструкциядан сўнг ушбу оқим 2 баробарга ошиши мумкин. Бу Қирғизистон учун ўта муҳим чунки унинг 38.6 фоиз ташқи савдоси ЕОИ билан боғлиқ [6].

НЎПни модернизациялашнинг ЕОИ учун муҳимлигини куйидагилар билан тушунтириш мумкин:

- биринчидан, чегарада туриб қолишлар (“заторлар”) жамаяди, НЎП фаолиятининг сифатига боғлиқ тарзда чегараларнинг шаффофлик даражаси ортади. Одамлар ҳеч қандай тўсиқсиз бошқа мамлакатга ўтишлари мумкин бўлади, бу нарса ўз навбатида ишчи кучининг ЕОИ ичида ҳаракатига йўл очади.
- иккинчидан, юк айланмаси тезлашади;
- учинчидан, Иттифоқ товар айланмасини кўпайтириш ва ЕОИ мамлакатлари орқали транзитни кўпайтириш имконияти туғилади.

Табиийки, ушбу ишлардан нафақат Қозоғистон ва Россия манфаат кўришади балки ЕОИ кирувчи мамлакатлар ҳам.

Замонавий НЎП интеграцияланган блок ичида савдонинг ривожланишини рағбатлантиради, иттифоқга кирувчи мамлакатлар учун ташқи бозорларга чиқишда қулай шароит яратилади.

Табиийки, амалга оширилаётган тадбирлар нафақат одамларнинг ҳаётини енгилаштиради, балки чегара вилоятлари ва худудларида янги иш ўринлари яратишга кўмаклашади. Янги овқатланиш жойлари, мехмонхоналар, дўконлар, техник хизмат кўрсатиш корхоналари ва узоқ йўл билан боғлиқ бўлган шохобчалар юзага келади. Шундай қилиб, НЎПларнинг реконструкцияси қилиниши мультипликатив самарага олиб келади. Масалан, Хитойга, қачонки у ЕОИ билан ҳамкорликни кучайтириш учун “Бир белбоғ-бир йўл” сиёсати Ветнам учун ЕОИ билан очик савдо зонасини ташкил қилиш тўғрисидаги келишувга имзо чекишди. Бунда Хитойнинг Евроиттифоқ бозорларига чиқишдаги ҳаракатларини унутмаслик керак [7].

Бунда ўтмишда Совет иттифоқига кирган мамлакатлар кенгликларини транзит зона сифатида қарашмоқда. Шунинг учун чегара пунктларидаги тезлик ” Буюк ипак йўли”нинг рақобат устунлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.



Қозоғистонга келадиган бўлсак у салоҳиятини мустаққалашга тизимли тарзда ҳаракат қилиб, ўз худуди орқали юк оқимларини кўпайтиришни асосий мақсад қилиб қўйган. 2018 йил натижаларига кўра шу каби юклар миқдори 19.2 млн тонна бўлиб, ўсиш суратлари 6 фоизни ташкил қилди. Бунда Хитой Европа йўналишида юк ташувчилари 40 фоизга ошди, тескари йўналишда эса 80 фоизга ошди. Қозоғистон Республикасининг индустрия ва инфратузилмавий ривожланиш вазири Женис Қосымбековнинг фикрича, Ервоосиё марказига транзит логистик хаб шаклланди. Бизнинг коридолар рақобатбардош ва жозибадор. Демак транзит юк оқимларининг ривожланиши бу чегара пунктларини модернизациялашни тақозо этадиган сабабларидан биридир [8].

НўПларни реконструкция қилиш нафақат юк оқимлари ҳаракатини тезлаштиришга имкон беради, балки трансчегаравий ҳуқуқбузарликларни олдини олишга ёрдам беради. Масалан, 2019 йилда Алмата шаҳрида тадбиркорларнинг бўлиб ўтган мулоқотида Қозоғистонда ҳар йили 1млрд долларлик контрофакт товарлар олиб киритилаётганлиги қайд этилди. Унинг ўсиш суратлари 7-10 фоизни ташкил этади. Экспертларнинг баҳолашларига мувофиқ контрофакт юклар асосан Хитой, Қирғизистон, Озарбайжон ва Россиядан келади.

Бундан ҳамма зарар кўради компаниялар ҳам, бюджет ҳам, истеъмолчилар ҳам, чунки улар контрафакт бренд учун қўшимча тўловларни амалга оширадилар.

Юқорида қайд этилганларга контрабанда товарларини ҳамда тақиқланган адабиётларни олиб кирилишни ҳам қўшиш мумкин.

Ушбу контекстда ЕОИнинг Европа иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласи ҳам ўта долзарб ҳисобланади. Қозоғистоннинг биринчи президенти Нурсултон Назарбоев Евроосиё иқтисодий комиссиясининг коллегияси раиси Михаил Мясникович билан бўлган учрашувида, Евроосиё иқтисодий иттифоқининг Евроиттифоқ билан интеграциясининг зарурлиги тўғрисида тўхталиб: “Қатор йиллар ЕОИ муваффақиятли ривожланмоқда. Бирқанча мамлакатлар унга қизиқиш билдиришмоқда. Кимдир кузатувчи бўлмоқчи, кимдир иттифоқга кирмоқчи. Олдинда катта ишлар турибти, шу жумладан Европа иттифоқи бўйича интеграцияни ривожлантириш ҳам”.

Россия ҳукумати қошидаги молиявий университетнинг бош илмий ходими, иқтисод фанлари доктори Валерий Абрамовнинг фикрига “Ушбу ғоя янги эмас – “Катта Евроосиё”ни яратиш борасида Россия Президенти ўз вақтида тақидлаган-бунда у иқтисодий ўзаро ҳамкорлик ва хавфсизликни “Лиссабондан Владивостокгача” бўлган зонани назарда тутган. Ҳозирги кунгача ушбу ғояни Европа иттифоқининг бир қатор сиёсатчилари қўллаб қуватлашмоқда. Чунки, ушбу ташаббусдан жуда кўп нарсаларни кутиш мумкин.

Ҳозирги кунда ушбу ғояни амалга ошириш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, савдо учун янги транспорт коридорларини яратиш муҳим ҳисобланади. Ушбу ишни Хитой ўзининг “Бир белбоғ – бир йўл” лойиҳаси доирасида фаол амалга оширмоқда. Қозоғистон ҳам товарларни транзит қилувчи мамлакат бўлганлиги учун ушбу ташаббусни ҳаётга тадбиқ этишдан ўта манфатдордир. Россия эса янги логистика тизимини шакллантириб, Европага бўлган янги транспорт коридорларини ривожлантиришдан юқори даромад олишни кўзламоқда. Шу билан бирга ушбу интеграция жараёнларини ривожлантиришга тўсик



бўлаётган омиллар ҳам йўқ эмас. Уларнинг барчаси сиёсат билан боғлиқ. Бир томондан АҚШ ва Европа иттифоқи томонидан Россияга қарши бўлган позиция. Бошқа томондан эса Қрим ва Украина учун Россияга қарши санкциялар.

Аммо, Қозоғистоннинг бош вазири Аскар Маминни таъкидлашича ЕОИ доирасида ҳамкорлик кўлами ривожланмоқда, Қозоғистоннинг ЕОИ мамлакатлари билан савдо айланмаси бир йилда 4,0 млрд АҚШ долларини ташкил этиб 20,0 млрд доллардан ошиб кетди. Бундан ташқари инвестицион ҳамкорлик ҳам ривожланиб, иқтисодий жihatдан манфаатли бўлган лойиҳалар устида корхоналар фаол ишламоқдалар.

Шу билан бирга Маминнинг таъкидлашича ҳамкорликка ҳалақит бераётган омилларни “Тўрт эркинликлар формуласи” шаклида тизимлаштириш керак бўлади. Унинг мазмуни шундан иборатки, товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи салоҳиятини илгари суриш керак бўлади. Ушбу ёндашув иттифоқга кирган мамлакатлар ва аҳолига интеграцион жараёнлардан реал манфаат олишга имкон беради [9].

Умуман олганда Европа иттифоқи ва ЕОИнинг муносабатларидаги ижобий ҳамкорликнинг яхшиланиши ягона транспорт инфратузилмасини яратиш масаласи билан тўғридан -тўғри боғлиқдир. Ушбу ҳолатни динамик ривожлантиришга Осиё - Тинч океани ҳудуди (АТР) мамлакатлари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, Европа иттифоқи эса уларни қўллаб-қуватламоқда. Ўтироф этиш керакки, янги логистика Россия ва Осиёдан товарларни Европага ташишни арзонлаштиради, Европада эса бу товарларга талаб кучли.

Бирламчи хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Қозоғистоннинг Европа Иттифоқи билан ЕОИнинг интеграцион ҳамкорлигини фаоллаштириш тўғрисидаги фикрларини Россия Президенти Европа ва Хитой билан қатор йиллар давомида фаол олға сурмоқда. Шу билан бирга Россия ЕОИни кенгайтириш борасидаги ишларни ҳам олиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон 2020 йилда ЕОИга кузатувчи сифатида қўшилди, демак интеграция амалга ошмоқда, ундан сиёсий ташкил этувчиси олиб ташланса у максимал даражада фаоллашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://kun.uz/news/2021/07/15/ozbekiston-va-pokiston-munosabatlari-strategik-sheriklik-darajasiga-kotirilgani-malum-qilindi>
2. <https://kun.uz/news/2021/07/16/markaziy-va-janubiy-osiyo-aloqalarini-qayta-tiklash-muhim-zaruratga-aylandi-shavkat-mirziyoyev>
3. Геополитический риск как экономическая категория в условиях глобализации -М.: Вестник университета. Глущенко В. В. 2007
4. Камалов АкмалСаидакбарович, &СаматовГаффорАллакулович (2021). ОЦЕНКА ГЕОПОЛИТИЧЕСКИХ РИСКОВ В СТРАНАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ. Universum: общественные науки, (11-12 (79)), 17-25.
5. ZokirkhanYusufkhonov, Malik Ravshanov, AkmalKamolov, and Elmira Kamalova. Improving the position of the logistics performance index of Uzbekistan. E3S Web of Conferences 264, 05028 (2021), CONMECHYDRO – 2021. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126405028>
6. Камалов А.С.Минтакавий транспорт йўлакларинишакллантиришгаэкономавий логистик ва эконометрик ёндашувлар// Илмий-таҳлилий журналТИЗИМЛИ



ТАДҚИҚОТЛАР 2022.

7. Камалов А.С. Направления повышения конкурентоспособности транзитных коридоров Республики Узбекистан // Журнал. Транспорт Шёлкового Пути Выпуск 1, 2021г.
8. Juraev Muxiddin, Yusufkhanov Zokirkhon, & Akhmedov Dilmurod (2022). MODELING THE SYSTEM OF VEHICLE AND DRIVER ACTIVITY. Universum: техничекиенауки, (1-3 (94)), 71-73.
9. Нэш Дж. Бескоалидионные игры / Матричные игры - М: Физматгиз, 1961. - с 205-221